

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик институти
«Жахон сиёсати ва тарих» факультети
«Сиёсатшунослик» йўналиши
талабаси Бахромова Мадинанинг
Сиёсий таҳлил фанидан
“Сиёсий башорат” мавзuida

Реферат

Кабул килди: Мустапова Дурдона

Тошкент – 2011

Сиёсий "олдиндан кўриш" ёки "башорат" масаласи ва унинг тадқиқ усуллари

Инсон ўзига хос мавжудот бўлиб, ҳаёти давомида орзу-умидлар билан яшайди, турли режалар тузади, келажагини олдиндан билишга интилади. Шунинг учун ҳар бир инсоннинг келажакни олдиндан билишга интилиб яшаши унинг бутун онгли ҳаёти жараёнида муҳим ўрин эгаллайди.

Олдиндан билишга интилиш инсон учун азалий эҳтиёж бўлиб, унинг манбалари сифатида меҳнат фаолияти, диний эътиқод, турмуш тарзи, урф-одатлар ва бурчни адо этиш каби талаб-эҳтиёжлар мажмуи амал қилади.

Нима учун келажакни олдиндан билиш зарур? Чунки, ҳаётнинг мантикий ҳулосаси инсонни воқеликка мослашган ҳолда яшашга ундайди. Инсон учун бундай мослашувчанликни кўпчилик ҳолатда келажак ҳақидаги билим ва ахборотлар – олдиндан кўриш (башорат) белгилайди. Эртанги кун ҳақида тўла ахборотга эга бўлган шахс бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини яхшироқ ташкил эта олиши мумкин.

Ҳозирги замон кишисининг, у қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, бошқа жонзотлардан энг катта фарқи унинг бошқалардан ўзиб кета олиши, келажакни олдиндан кўра олиш ва айта олиш қобилиятидир. Мавжуд шарт-шароитларда ахборотлар ҳаракат омили бўлиб, келажакдаги кўлами, айрим кишиларнинг ғавқулодда қобилияти ёки илм-фанга асосланган ҳаракати ҳар қандай соҳада муваффақиятга эришиши учун бош омил бўлиб хизмат қилади. Сиёсат билан шугулланувчи шахс учун “ҳокимият” тушунчаси ва ундан фойдаланиш, белгиловчи кўрсаткич омили ҳисобланади.

Башорат қилиш қўлланилаётган соҳалар орасида сиёсатни алоҳида кўрсатиш мумкин. Унинг ўзига хос томони, у ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларига кириб боради, миллионлаб кишиларнинг манфаатига таъсир қилади, жамиятнинг келажаги, халқ ҳаётининг ривожланиши ва гуллаб - яшнаши ва унга боғлиқ жараёнларни олдиндан билишда муҳим роль ўйнайди.

Башорат килиш сиёсатга йўналтирилган бир томонлама тадқиқот эмас, албатта. Сиёсат, хусусан, сиёсий ижод янги келажакни тугдиради, ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларига дастур бера олади. Маълумки, халқаро воқеаларнинг асосий занжири, тарихдаги тектоник ўзгаришларнинг бош механизми ҳокимият воситасида амал қилади. Бундай ҳолатда башоратчиликнинг вазифаси - зарур сиёсий қарорлар қабул қилиш йўли билан мумкин бўлган ўзгаришларнинг бутун спектрини таҳлил этиб, мақбул бўлмаганларини рад қилишдан иборатдир.

Бундай тадқиқотнинг вазифаси сиёсатда олдиндан кўриш (башорат)нинг объектив имкониятларини, ушбу воқеалар асосланганлигини кўрсатиш ва уни амалга ошириш технологиясини аниқлашдан иборат. Уни бажаришдаги қийинчиликлар, яъни келажакни лойиҳалаш мумкинлигининг ўзи муаммоли эканлиги, унда маълум бир қонуниятни аниқлаш қийинлиги, кўпроқ субъектив соҳада инсон аклини қўллаш зарурлиги каби маълумотлар билан қоришиб кетган. Яна бир масала шундан иборатки, ушбу мавзунинг фундаментал ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари, олдиндан кўриш билан боғлиқ масалаларни ёритган илмий адабиётлар ҳам нисбатда камлигидир.

Олдиндан кўриш асослари маълум вақт ва маълум маънода ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак ҳақида эмас, балки фақат ўтмиш ва келажак ҳақида айтилиши мумкин, чунки уларнинг иккинчиси узлуксиз равишда шартли ажратилган оқим - вақт орқали биринчисига "ўтиши", яъни ҳозирги кунга ўтиши ўрганилади.

Фан у ёки бу даражада ўтмиш (тарихий фанлар, жумладан, физика, химия, биология ва бошқа фанлар тарихи ҳам) ёки келажак билан шугулланади, улар маълум даражада маълум вақтдан сўнг ўтмиш бўлиши учун) ҳозирги кунга "қариб келади" (табиий, фалсафа, иқтисодий, сиёсий фанлар шугулланаётган), шунингдек тор маънода "ҳозирги кун" доирасидан чиқиб туради.

Ижтимоий соҳани ўрганишда "олдиндан кўриш" ва "башорат қилиш" тушунчаси, бир томондан, "олдиндан кўриш" ва "бошқариш", бошқа томондан

эса ўзаро муносабатларнинг методологик муаммолари ечимини топиш маъносини англатади.

Олдиндан кўриш ва бошқарув ўртасида турли даражадаги интенсивлик номутаносиб алоқада бўлади: амалдаги якин ёки нолга тенг (назарий жихатдан ҳеч қачон нолли аҳамиятга эга бўлмаган) ҳолатдан фавқулодда интенсив бўлган, олдиндан айтишни "ўзига сингдириб юбориш"ни келтириб чиқарувчи сифатида прогнознинг ўзини амалга ошириш ёки аксинча ўзини вайрон қилиш каби натижани бериши мумкин.

Изланувчан башорат (олдиндан кўриш) умумий кўринишда ўрганилаётган ҳолатларда кузатилаётган фикрнинг келажақда давом этиши шарти сифатида аниқлаш мумкин, унинг ривожланиш қонунлари ўтмиш ва ҳозирги кунда етарли даражада маълумдир. Шу билан биргаликда, олдинда мумкин бўлган, баъзида зарур бўлган дастурий ва ташкилий қарорлар кўзда тутилган ҳолатлар кўринишини ўзгартириб юборишдан келиб чиқади. Шуниси аниқки, бундай ёндашувда ўрганилаётган объектнинг келажақдаги объектив ҳолатини олдиндан билиш мумкин эмас. Лекин, олдиндан айтиб беришга оид изланиш, илмий изланишнинг ўзига хос алоҳида шакли сифатида ўз олдида бундай вазифани қўймайди. Унинг моҳияти ва мақсади умуман бошқача бўлиб, нима бўлиши, қандай муаммолар пайдо бўлиши ёки ривожланишининг мавжуд тенденциясини саклаб туриши ва нималар етилиб келаётганлигини, яъни бошқарув соҳаси ноҳуш ҳолатини ўзгартириш учун зарур қарорлар қабул қилмаса, нималар содир бўлишини аниқлашдир.

Аниқрок қилиб айтганда, сиёсий соҳани ўрганишнинг нисбатан афзаллигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Сиёсий амалиётда мақсад прогноз қилиш эмас, балки у бошқарув фаолияти билан боғлиқдир, чунки у бошқарувни такомиллаштириш ва тузатиб бориш учун тузилади. Прогнозни тайёрлаш жараёнида доимо, кадамба-кадам, фавқулодда мураккаб ва қийин муаммолар пайдо бўлади, уларни ҳал этиш учун анчагина қуч сарфлашга тўғри келади. Тинч амалга ошаётган ишларда ҳам келажақда қандай муаммолар пайдо бўлиши, кескинлашувини олдиндан билиш керак. Айнан олдиндан билиш

таддикотлари хакикатан ҳам кимматли ахборот беради, етилиб келаётган кийинчиликларнинг олдини олишга бошқарув воситаларини замонавий тадбирлар кўриш билан такомиллаштириш имконини беради.

Маълумки, ушбу ёндашувда изловчи ва норматив олдиндан кўриш (башорат) усули асосий, ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб тушуниш нотўғридир. Бунда ижтимоий фанларнинг барча имкониятларидан, жумладан, социология маълумотларидан ҳам фойдаланиш эътиборда тутилади. Ижтимоий социология олдиндан кўриш (башорат), пайдо бўлаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва унинг ҳал этилишига ёрдам берувчи илмий ахборотларни беришига шубҳа йўқ. Башорат қилишнинг замонавий усуллари ҳақида гап кетганда олдиндан кўришни ҳар томонлама такомиллаштириш ва қўллашда кенг тарқалган математика усуллари, Э²М, компьютер технологияси ҳамда электрон тармоқлардан фойдаланиш ҳам тўла натижа бера олмайди.

Олдиндан кўриш (башорат) асоси кузатиш ҳисобланади. Аниқроғи, кузатишнинг ўзи эмас, кузатилаётган объектнинг ахволи, ҳолатининг кўрсаткичи аҳамиятга эга (сиёсатшуносликда қўлланганда сайловлар пайтида номзод рейтинги кўрсаткичлари). Уларнинг маълум вақтдаги ҳолати ва аҳамиятини кўриш учун мавжуд ҳолатнинг ўзгариш жараёнининг жадвалли асосини олиш мумкин. Олимларнинг бундай математик ҳисоблари тез-тез содир бўлувчи тахлилий жадваллар тузишга олиб келади.

Ушбу, яъни келажакни аниқлаш усулининг моҳияти қуйидагилардан иборат: демография, маркетинг ва сиёсатшуносликда кўпроқ иқтисодий кўрсаткичлар, статистик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнида кўпинча савол пайдо бўлади: "кузатилаётган натижалар маълум доирада содир бўлаётган баъзи бир қонуниятлар асосида келажакни лойихалаш имконини беради".

Келажакни лойихалаш ва аниқлашнинг ушбу усулини аниқ фанларда қўллаш қулай, сиёсатда иқтисодга нисбатан сиёсий фаолият асосининг катъий эмаслиги ва сиёсий жараённинг субъектив қучига кўра барқарор эмаслиги учун унинг самарадорлиги нисбатан камроқ бўлади. Келажакда содир бўлиши

мумкин бўлган воқеаларни олдиндан билишда тез-тез такрорланиш таҳлили, кўп ёки кичик, яъни математик ва статистик ишлаш мумкин бўлган мавжуд ҳолатларни аниқлаш имкони бор. Шундай йўл билан килинган ҳисоблар ҳақиқатга нисбатан яқинроқ бўлади. Шу билан барча илмий башорат усулларига характерли бўлган ҳулосани чиқариш мумкин. Талил килиш лозим бўлган воқеалар кўлами канчалик кичик бўлса, уни башорат килиш (олдиндан айтиш) шунчалик аниқроқ бўлади.

Сиёсий башорат сиёсий фанлардаги кўплаб тушунча ва воқеликлар билан ўзаро боғлиқдир. У сиёсий субъект амалга ошираётган сиёсий фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Сиёсий башоратнинг мазмуни объектнинг келажақдаги ҳолати, амалга ошишининг муқобил йўллари ва муддати ҳақидаги илмий асосланган мулоҳазадир. Олдиндан кўришни ишлаб чиқиш, тайёрлаш жараёни башорат (олдиндан айтиб бериш) деб аталади. Олдиндан айтиб бериш (башорат килиш) - маълум, аниқ жараёнлар, ҳолатлар, воқеаларни ва уларнинг баъзиларини ўтмиш ёки ҳозирги кунда маълум маълумотлар асосидаги алоҳида илмий тадқиқот бўлиб, у орқали башорат қилинаётган объектда бўлиши мумкин бўлган ҳолат ҳақида тушунча ёки турли маълумот мавжуд бўлади.

ўтмиш, озирги кун ва келажақ ўзаро алоқаларини кузатиш имконини берувчи асосий қонунлардан бири сабабият қонуни ҳисобланади, у эса вақт ва фазода сабаб ҳамда оқибат боғлиқлигини кузатиш имконини беришдир. Сабаб остида воқелик тушунилади, у эса оқибатни келтириб чиқаради. Сабаби маълум бўлгандан сўнг, оқибатини олдиндан билиш мумкин. Агар у ноҳуш бўлса, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабабларга чек қўйиш мумкин.

Олдиндан кўриш (ёки башорат) ўзида бир неча функцияларни мужассамлаштиради ва қатор вазифаларни бажаради. Ғарблик олимлар фикрича, башорат ўзида:

биринчидан, сиёсий субъект учун қандай аниқ сиёсий мақсадларни қўйиш ва амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги ахборотларни бериши;

иккинчидан, тараккиётнинг hozirги боскичида кўйилган мақсадларнинг кай бири жамият манфаатларига нисбатан кўпроқ мос келишини аниқлашга ёрдамлашиши;

учинчидан, прогнозлар муқобил сиёсий мақсадлар бўлган ҳолларда уларнинг кайси бири жамият манфаатларига кўпроқ мос келиши бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш учун асос бериши;

тўртинчидан, прогнозлар мавжуд ва hozirги кундаги вазифалар билан, яқин ва узоқдаги масадлар ўртасидаги, минимум ва максимум талаблар ўртасидаги, мақсад ва воситалар ўртасидаги мақбул муносабатлар мажмуини топишга ёрдам бериши;

бешинчидан, башоратлар бугун қабул қилинаётган қарорларнинг қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини очиқ бериш вазифаси туради.

"Сиёсий башорат" амалий сиёсатнинг бир қисмидир. Қўплаб башоратлар қилинади, мутахассислар фикрича уларнинг оқимида ўралашиб қолмаслик учун башоратларни турларга ажратиш талаб этилади. Улар мақсади, вазифаси, объекти, характери, оғохлантириш даври ва бошқаларига қараб, турли мезонлар асосида қурилиши мумкин.

Сиёсий прогнозларнинг асосий тўрт амалий вазифаларига қараб, турини ажратиб қўрсатиш мумкин:

1. Изланувчан башоратлар – улар айнан амалий мақсадлар учун тузилади. БМТ даврий чоп этадиган Реконструкция ва ривожланиш халқаро банкининг ишлаб чиқадиган баъзи башоратлари мисол бўлади.

2. Тахлилий башоратлар – ижтимоий-сиёсий башоратларнинг илмий захирасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун тузилади. Бундай прогнозларга Дж. Форесторнинг ишлари ("Оламшумул динамика" китоби) алоқадордир.

3. Умумий-меъёрий башоратлар – маълум келажакни ақс эттиришнинг исталган ёки турли муқобиллари билан таққослаганда нисбатан устунроқ бўлган вазифани ҳал этади.

4. Огохлантирувчи прогнозлар, бундай прогнозлар муаллифлари келажакнинг нохуш манзараси билан, унинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик фикрини тахликага солиш учун интилади.

Прогнознинг режалаштирилишига караб, бугунги кун учун, киска муддатли, ўртача муддатли, узок муддатли ва жуда узок муддатли прогнозларга бўлинади.

Прогнозлар муаммоли-мақсадли меъёрлари бўйича изланувчан ва нормага мувофик икки турга бўлинади.

"Изланувчан башорат – сиёсий бошқарув воситаси қарорлари билан истикболдаги муаммоларни аниқлаш ва тузатишдан иборатдир". Бундай прогноз жамиятда мавжуд ижтимоий-сиёсий тенденциялар саклаб қолинганданималар кечиши мумкинлигига жавоб беради.

Норматив прогноз – исталаётган мақсадларга қандай эришилади, деган саволга жавоб беради.

Бундай турларга бўлиниш айтилаётган прогнозлар оқимида ўралашиб қолмаслик имконини беради. Аммо, сиёсий башорат қилишнинг яна битта қирраси мавжуддир. Башорат қилишнинг объекти сиёсат (ички ва ташқи), предмети воқеалар, қўринишлар, жараёнларнинг мумкин бўлган ҳолатларини билиш ҳисобланади. Шунинг учун уларни ички сиёсий ва ташқи сиёсий прогнозлар (башорат)га ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Ички сиёсий башорат қилишга ички сиёсатнинг барча мазмуни қиради. Сиёсий тараккиётнинг мураккаб характери, бир томондан, сиёсий жараёнларни бошқаришнинг энг мақбул манфаатлари учун келажакдаги сиёсий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, бошқа томондан, ҳуш ва нохуш сиёсий воқеаларни олдиндан билиш долзарблигини таъминлайди. Унинг икки жиҳати: биринчиси, аниқ сиёсий воқеаларни прогноз қилиш даражаси билан, иккинчиси, жамиятдаги сиёсий институтлар фаолияти ва унда кечаётган сиёсий жараёнларни прогноз (башорат) қилишни қамраб олади.

Ташқи сиёсий прогноз қилиш ёки олдиндан айтиб бериш - халқаро алоқалар ва ташқи сиёсат соҳасидаги башоратлардир.

Умуман, прогноз (башорат) килишнинг икки жихати: мумкин ва макбул бўлган келажаги, ахволи, карорлар баён этишни олдиндан айтишни англатувчи ва ушбу муаммоларни айнан хал этишни олдиндан айтиш тушунилади. Шунга кўра, прогноз (башорат) килиш муаммоларининг икки томони: назарий-билиш ва бошқарувни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Сиёсий прогноз объектини аниклашга ва унинг мураккаблиги билан пайдо бўладиган ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш лозим, "Прогноз объектини, унинг амал килиши ва ривожланиши, прогноз қилинаётган тизим ва жараёнга муайян даражада таъсир этувчи умумий кўринишдаги ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлигини аниклаш, прогнозларни тайёрлашнинг асосий ва биринчи даражадаги шартидир. Шундай қилиб, сиёсий прогноз объектлари: сиёсий системанинг ривожланиши (тузилиши ва бошқалар); сиёсий бошқарув функцияларининг ривожланиши, ихтисослашуви ва кенгайиши; шахснинг сиёсий ва ҳуқуқий мақоми (масъулият, интизом ва бошқалар); сиёсий партиялар ва ташкилотлар фаолиятининг шакл ва усуллари; давлатнинг ривожланиши, унинг шакл ва вазифалари ўзгариши; жамиятнинг синфий таркиби, синфий ва сиёсий онгининг ўзгариши; сиёсий демократиянинг ривожланиш йўллари ва шакллари; ижтимоий фикрнинг амал килиш ривожланишидир. Прогноз килиш объектларини аниклашда баъзи бир қуйидаги қийинчиликлар тугилади:

1. Объектни белгилашда тасодифий таассурот шаклланади, чунки объектларни ҳисоблаш ҳамда бошқарувни босқичма-босқич бўйсунувчанлигини аниклаш мантики ва тамойилларини аниқ кўриш қийин, белгиланган объектнинг ҳажми ва мазмуни қисман бир-бирига ўтиб кетиши, тайёрланаётган схемани кенгайтириш ёки қисқартириш имконини беради, ҳолос.

2. Объект сиёсатнинг таркиби сифатида чиқади, яъни, унинг элементларини санаб ўтади, лекин сиёсатнинг структураси тарзида эмас, балки элементларининг ўзаро характери, моҳиятини очиқ беришида қузатилади.

3. Жиддий илмий сиёсий олдиндан кўришнинг бош объекти бўлиб, сиёсатнинг таркиби ва тизимини ташкил этувчи ядроси, яъни унинг кўп қиррали томонлари, унинг содир бўлиш жихатини белгиловчи бўлиб чиқиши керак.

Шундай килиб, сиёсатда прогноз килиш илмий тадқиқотнинг мураккаб тизимини акс эттиради, унинг хулосалари бирдан иккинчисига аста-секин ўтади. Ушбу мураккаб тизимнинг муваффақиятли амал килиши учун айрим тамойиллар ва белгиланган усуллардан фойдаланиш зарурдир.

1. Мукобиллик тамойили воқеалар ривожланишининг бир неча аниқ йўналишлари билан боғлиқдир. Лекин, мукобилликни прогноз килишнинг эҳтимоллилик характери билан аралаштириб юбормаслик лозим. Эҳтимоллик ўзида прогнозни тасдиқлаш, қонунларни бошланғич ва якуний қоидаларини аниқ билишга асосланган чегараларини ифода этади. Мукобиллик, ўз навбатида, сиёсий воқеалар ривожининг турли вариантларининг тубдан амал килиши ва бажарилиши имкониятларини билдиради. Мукобиллик тамойили амалий бажарилишининг асосий вазифаси, яъни ривожланишнинг амалга ошириш мумкин бўлган вариантини мавжуд ва қўзда тутилган шароитларда бажариш имкони бўлмаган вариантлардан ажратиш имконини беради. Шу билан бирга, воқеалар ривожининг мукобиллиги ўзида қатор муаммоларни, яъни уларни прогнозлаштириш жараёнида ҳисобга олишни тақозо этади. Унда амалга ошириш даражаси имкони бўйича вариантларни чегаралаш ва босқичма-босқич бажариш имконини беради. Ушбу тамойилни ҳисобга олиш воқеалар ҳақиқий ривож, прогнозлар аниқлигини оширади ҳамда воқеаларга таъсир этувчи омиллари ҳисобига танлаш имконини беради.

2. Прогнозлаштиришнинг тизимлилиги тамойили. Сиёсат прогнозлаштиришнинг ягона объекти сифатида қўриб чиқилади, ўз вақтида прогнозлар мустақил бир неча йўналишлар бўйича амалга оширилади - бу сиёсий ҳаётни (ҳар бир йўналиши бўйича) сиёсий қилишилган ва қарама-қарши бўлмаган прогнозлар ишлаб чиқиш имконини беради.

3. Прогнозлаштиришнинг узлуксизлиги тамойили. Таҳлил объекти динамик ҳаракатчандир, шунинг учун прогноз амалга оширилаётган объектнинг вазифасига янги ахборотларнинг тўпланишига қараб, прогнозларга узлуксиз равишда тузатишлар киритиб туриш қиёради.

4. Верификация тамойили - ишлаб чикилган прогноз тўғрилигини аниклаш.

Башорат килиш тамойиллари илмий прогностик тадқиқотларнинг аниқ усуллари орқали амалга оширилади. Илмий асосланган прогноз, умуман прогностика тадқиқотлари асосида қандай усул ёки усуллар тизими ётганлигига қараб қабул қилинади. Унда нафакат тадқиқот натижалари, балки унга олиб борадиган йўл ҳам ҳақиқий бўлиши шарт.

1. Жамоавий эксперт баҳолаш усули - ички ва ташқи сиёсат ёки унинг айрим соҳаларини баъзи мутахассислар томонидан тараққиётнинг истикболли йўналишларини аниклашга имкон берадиган сиёсий муносабатлар ривожланишини белгилашда экспертлар фикрлари ҳамоҳанглиги ишлатилади.

2. Жамоавий гоёлар бўғини - "аклий ҳужум" келажакни тадқиқ қилишда кенг фойдаланиладиган усулдир. Муаммоли вазиятларда "аклий ҳужум" орқали мутахассисларни ижодий потенциалини фаоллаштириш, гоёларнинг юзага келиши ва кейинчалик бузилиши, бу гоёларни танқид қилиш орқали унга қарши гоёни шакллантиришдир.

3. "Дельфи" усули. Бу уч хусусияти билан характерли бўлиб, улар экспертларнинг гуруҳий ўзаро ҳамкорлиги усулидан фарқ қилади, экспертларнинг мавҳумлилиги ҳамда биринчи ўтказилган сўровлар берган гуруҳий жавоблар натижаларидан фойдаланиш билан фарқ қилади.

4. Режалар тартибини тузиш усули. Тартиб (сценарий) режаси - катта система (ҳалқаро муносабатлар, ижтимоий муносабатлар ва бошқалар) муқобил ривожланиш мақсадларини аниклаш учун воқеаларнинг мантикий кетма-кетлигини таъминлаш усулидир.

Ёзилган тартиб ҳаракатларининг кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши мумкин: вақт оралиғини ҳисоблаш - воқеаларни аниқ ифода этиш - воқеалар мазмунини тушунтириш - эскалация (ўсиш) шкаласидаги миқдорий баҳоқир. Унда жадваллар тузиш самарали бўлиб, абцисса ўқи бўйича вақт оралиғининг ордината ўқи бўйича олдиндан ишлаб чиқилган ва миқдорий баҳоланган воқеалар категориясининг ўсишидир.

5. Экстрополяция (кузатиш) усули. Прогнозлаштиришда кўпол хатолардан кочиш учун олинган хулосаларни унинг бошка кисмига татбик этишда эхтимоллик назарияси хулосаларини кўллаган холда математик статистика хисоб комбинацияларини ўзида акс эттирувчи мураккаб кузатиш усули кўлланилади.

6. Моделлаштириш - тадқиқот усулида объектнинг ўзи эмас, балки модели тадқиқ этилади. Лекин, моделнинг объектга тўлиқ мос келиш имконияти йўқлиги туфайли, олдиндан кўриш (башорат) юкори аниқлик ва хақиқийликка даъво кила олмайди

Сиёсий жараёнлар, воқеаларни башорат қилишнинг у ёки бу усулини танлаш, прогнозларни мақсадли гуруҳлаштириш, уни ишлаб чиқиш, белгиланган муддат ва вақт билан боғлиқлигидан келиб чиқади.

Сиёсий прогнозни ишлаб чиқишнинг энг муҳим операцияларини умумий мантикий кетма-кетлиги қуйидаги асосий босқичларга олиб келади:

Биринчи босқич - прогнознинг олдинги йўналиши (ориентация). Унда прогноз учун вазифалар аниқланади, прогнознинг характери (хусусияти), кўлами, мақсад ва вазифалари, ишчи тахминлари асосланади, прогнозлаштиришни ташкил этиш жараёни ва усуллари аниқланади.

Прогнозни ишлаб чиқишнинг **иккинчи босқичи** - тизимли таҳлил усули билан прогнозлаштиришда объектнинг дастлабки ҳолати модели яратилади. Моделни аниқлаш учун аҳоли ва экспертлар орасида сўров ўтказиш мумкин.

Прогнозни ишлаб чиқишнинг **учинчи босқичи** - юкорида таъкидланган усуллар орқали прогноз ҳолати бўйича маълумотлар йиғишдир. Прогноз асоси - сиёсий башорат вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган объектга нисбатан башорат шарт-шароитларининг ташки мажмуасидир. Масалан, иқтисодий ривожланиш прогнозни келажакда ҳисобга олишнинг зарурий шарт-шароити сифатида эътиборда тутати. Бусиз сиёсий прогнознинг аниқлигига ишониш қийиндир.

Тўртинчи босқич - кўрсаткичларнинг динамик каторларини қуриш - экстрополяция усули билан келажак прогнози моделлари ўзагининг асосларини

хамда ушбу материалларни башорат моделининг олдинги тартиби сифатида умумлаштириш мумкин. Динамик катор - ўтмишни ҳисобга олган ҳолда прогнозлаштиришнинг ўзгарувчан объектдаги микдорий тавсифини билдиради, яъни прогноздаги воқеалар олдини олиш даври давомидаги ўзгарувчанлигида қўлланилади.

Бешинчи боскич - изланаётган тахлилий ҳолат ва умумий қўринишига оид қўрсаткичларнинг минимал, максимал ва нисбатан эҳтимоллилик аҳамиятини аниқлаштириш билан дастлабки туркумини яратиш.

Олтинчи боскич - прогнозлаштирилаётган объектнинг норматив таҳлил усули билан абсолют (прогноз ҳолатини чекланмаганлиги доирасида) ва нисбий (ушбу доира боғланганлиги) аҳамиятини аниқлаштирилган энг мақбул вариантини олдиндан белгиланган меъёрлар билан ҳамоҳанг бўлган нормалар, идеаллар, мақсадларнинг тахминий умумий моделини яратишдир. Бунда мақсад ва нормалар аниқ бўлиши керак.

Еттинчи боскич - прогнознинг ишончлилиги ва тўғрилилигини ҳамда асосланганлигини баҳолаш - яъни экспертларнинг сўров усуллари билан тахминий моделларни аниқлашдир. Прогнознинг ишончлилигини текшириш усули билан унинг илмий асосланганлиги, мантикий тўғрилилиги, тажрибавий текширув ва интуитив (ички ҳис билан сезиш) аниқлиги деб, ҳисоблаш мумкин.

Саккизинчи боскич - бошқарув соҳасидаги қарорлар учун изланувчан ва норматив моделларни такқослаш орқали ишлаб чиқилади. Ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги ўзгаришларда, сиёсий қарорлар қабул қилишда прогноз усули максимал равишда ҳисобга олинishi керак. Бу сиёсатшунос-прогнозчиларга катта масъулият юқлайди.

Тўққизинчи боскич - тайёрланган прогноз ва тавсияларни қисмларга ажратиб таҳлил (экспертиза) этиш, муҳокама натижаларини ҳисобга олган ҳолда уни қайта ишлаш ва буюртмачига бериш.

Ўнинчи боскич - прогноздан олдинги йўналишни, ишлаб чиқилган прогноз материалларини қайта солиштириш асосида прогноз ҳолатини янги маълумотлар ва янги цикллари (прогнозлаштириш узлуксиз бўлиши лозим

бўлиб, мўлжаллаштириш, режалаштириш, умуман бошқарув, унинг самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилиши керак) тайёрлашни тақозо этади.

Прогнозни ишлаб чиқиш усуллари­нинг ўзига хослиги прогнозлар имкониятларини вақт кўламида ҳам (бир неча йил) ва тадқиқот объекти кўламида ҳам (ҳар қандай ҳолат ҳам бир хил даражада прогноз баҳолаш имконини бермайди) жиддий чегаралашга мажбур қилади.

Хулоса қилиб айтганда, прогнозлаштириш усуллари ва уларнинг мантикий кетма-кетлигидан фойдаланиш тажрибалари сиёсат билан шугулланувчи мутахассислар, раҳбарлар ва илмий ходимларга ҳозирги кунда сиёсат (ички ва ташқи) соҳасида режалар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида мавжуд ҳолат ва воқеаларнинг ривож­и, объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Бугунги кунда дунёда ушбу йўналишда турли тадқиқот ва изланишлар ўтказилмоқда.

Инсониятни яқин келажакда нималар, қандай воқеалар кутмоқда, деган саволга жавоб бериш, бўлажак воқеаларнинг тахминий ҳолатларини акс эттириш, ер қуррасида бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг ривожланиши тўғрисида сифат ва миқдор жиҳатдан ўзига хос турли назарий йўналишлар, прогнозлар берилмоқда.

XX аср охири – XXI аср бошларида глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда инсониятни ташвишга солаётган иқтисодий тараккиёт истикболи, бойлик ва қашшоқлик, экология, уруш ва қарама-қаршилиқлар, терроризм, коррупция, наркомания, алкоголизм, ахлокий бузуклик каби муаммолар ва унинг олдини олиш, келажакни тасаввур қилиш турли доиралари, яъни давлат раҳбарлари, сиёсий етакчилар, олимлар, турли соҳа мутахассислари, башоратчи-футурологлар, астролог ва ҳаётга жиддий назар билан қаровчи ҳар бир шахсни ташвишга солаётган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Инсоният олдида турган ушбу ўта долзарб муаммолар дунёнинг барча мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам сиёсий жараёнларни прогноз қилиш

масалалари давлатнинг ички ва ташки сиёсат фаолиятининг барча йўналишларида ўз аксини топмокда. Чунки, Ўзбекистон мустакилликка эришган мамлакатлар каби ўз тараккиёт йўлини излади, янги жамият барпо этишда ўзига хос ва мос йўлини ишлаб чиқди. Ўзбекистон турли йўналишда ўз тараккиётини таъминлаган давлатларнинг тўплаган тажрибаларини ижодий ривожлантирди, ўзига макбул йўлдан борди. Ўзбекистон тараккиётининг ўзига хос модели - мамлакатимиз шароитидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳукукий ва маънавий-маърифий жараёнларнинг изчиллик билан олиб борилишига асосланган тараккиёт йўлидир.

Ўзбекистоннинг келажаги қандай бўлади, биринчи навбатда қайси устувор масалалар ҳал этилиши лозимлиги ҳақида стратегик йўналиш, сиёсий олдиндан кўриш ва башорат қилиш масалалари республика Президенти Ислам Каримов асарларида, унинг халқаро, минтакавий ва республика турли анжуманларида сўзлаган нутқларида ўз ифодасини топди. Сиёсий прогноз қилишнинг илмий-назарий асослари яратилди ва бу ўз тасдиғини топмокда.

Ислам Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли", "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида", "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт қафолатлари", "Ўзбекистон XXI асрга интиломда" каби асарларида, айниқса, БМТ сессияси ва Европада Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг анжуманлари, республика Олий Мажлиси сессияларида сўзлаган нутқларида кўтарилган масалалар воқеаларни олдиндан кўриш ва сиёсий башоратнинг ўзига хос намунаси бўлиб, сиёсатшунослик фанида атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Кенг кўламли, серкирра башоратларни кичик мақолада ёритишнинг иложи йўқ, фақатгина бир масала, мустакилликка эришилган дастлабки кунларда, "қандай яшаймиз?" деган савол барчани қийнаётган бир пайтда И.А.Каримовнинг "Нима қилмоқ керак, нимадан бошламоқ керак?" деган саволларни қўйиб, сиёсатшунослик фанида ўрганиладиган сиёсий башорат ва

"олдиндан кўриш"нинг асослари - ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак масалалари ҳақидаги фикр ва таҳминлари амалда тўғри чиққанлиги, Ўзбекистон сиёсий ҳаётида амалга ошаётганлиги муҳим илмий-назарий тадқиқот намунасидир. Мамлакатимиз учун хос ижтимоий-сиёсий тараққиётни олдиндан кўришнинг йўналиши жуда кенгдир; яъни И.А.Каримовнинг терроризм ҳавфи ҳақида турли халқаро анжуманларда "...бу офатнинг қандай қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида гапириб, эй одамзод, кўзингизни очинг, огоҳ бўлинг, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш вақти етди", деб даъват этганлигини эсласак, бу олдиндан башорат қилиб, дунё ҳамжамиятини огоҳлантириш эди, ўз вақтида жиддий қарорлар қабул қилиш заруриятини талаб этарди. Афсуски, ушбу даъватни, яъни сиёсий башоратни ўз пайтида қўпчилик тушуниб етмади. Бугунга келиб, инсоният бошига террорчилик мислсиз қулфат келтирувчи ёвуз қучга айланганини, даҳшатли балою офат эканини ўз ҳаётида кўриб, унга бўлиб, унга қарши биргаликда қурашиш вақти етганини, бу қурашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини англаб етди.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий прогноз ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг илмий-назарий асосланган моделларини ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш соҳасида И.А.Каримов томонидан яратилган тамойиллар ҳамда тавсиялар бўйича тадқиқотлар олиб бориш, бугунги кунда барча сиёсатшуносларнинг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Бахромова Мадина «сиёсатшунослик» йўналиши талабаси